

© Республикани ўз мустақиллигини қўлга киритган барча жаҳонда ҳам халқ таълими тизимини қўлга киритган бўлиши керак. Биз бу борада қўлга киритилган ютуқлар, яъни халқ таълими тизимини ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўринбосари Вахром Қодиров билан суҳбатладик.

— Вахром Ғафурович, ушбу айём — мустақиллигимизнинг иккинчи йиллиги арафасида турибмиз. Айтинг-чи, истиқлол халқ таълими тизимига нима деган берди?

— Мустақиллик маорифимиз учун ҳам сув билан ҳаёдек зарур эди. Негак таълим соҳасида барча халқлар бир хил тизимда етарли билим ололмади ва шунинг учун биз ўзимизнинг миллий таълим, тизимимизга, миллий қадриятлар билан сугорилган қонунларимизга муҳтож эдик. Бунга қадар мавжуд ягона тарбия, яъни коммунист тарбияни бошқариш тизимига синдириб, уларни фақат шу руҳда камол топтириб келдик. Ниҳоят, мустақиллик туфайли ўз еркимиз ва миллий гуруҳимизга, қадриятларимизга эга бўлдик.

Мустақиллик халқ таълими тизимига ҳам менимча, муассофлик олиб кирди. Бир йил мобайнида маорифчи олимларимиз, мутахассислар биргаликда мустақил Республикаимизнинг «Таълим ҳақида»ги Қонунини яратди.

сузломлик қобилиятини тарбиялаш, уни одоб-ахлоққа ўргатиш, миллий қадриятлар билан яқиндан ошно қилишдан иборат. Бунда албатта таълим ва тарбиянинг узвийлигига эришиш катта аҳамиятга эга.

Умумий таълим 5—9-синф даражаси билан тугалланади. Унда аниқ фанлар, табиий ва ижтимоий фанлардан сабоқ берилади. Ундан кейинги босқичда эса ҳар бир ўқувчи ўзига шаклланди қизиқиш ва лаёқатига кўра касб танлаш, шу йўналишда ўқишни давом эттириши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълимнинг устуниги тўғрисидаги гоа амалга оша бошлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таълим нуфузини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар мажмуининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ёшларнинг миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, истеъдодли ўқувчиларни саралаш олиш ва ўқитишга алоҳида эътиборни қаратиш лозимлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида таълим тизимини ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан қайта қуриш масаласини кўндаланг қўйди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 9-бандида ҳам узлуксиз таълимни амалга оширувчи ўрта умумтаълим ўқув юртининг бир тури сифатида янги турдаги ўқув муассасаларига асосий эътибор

да шу ёшлардан республикамиз мустақиллигини мустаҳкамловчи, унинг келажagini яратувчи юқори даражали мутахассислар тайёрлашми зарур. Бу йил Тошкентдаги мавжуд тўртта педагогика билим юртида ўқувчилар шу усулда қабул қилинди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда айтилганидек, ўтган йилдан бошлаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимини ўқитишда кўп поғонали шаклда ташкил қилинмоқда. Бундай ўқитишга ўтишдан мақсад, ўқиб турган ёшларнинг билим даражасини тез-тез аниқлаб туриш, зарур жойларда уларга янги имкониятлар яратиш, ҳамда ўқитишнинг ўқитувчиларнинг услубий камчиликларини аниқлаш, тузатиш ва ниҳоят тасодифан келиб қолган ва бу касба лаёқати бўлмаган ёшларни аниқлашдан иборат. Энг иқтидорлиларини эса кейинги босқичларга ўтказиб, юқорида малакага эга қилинади. Бу поғоналар олий таълимда икки босқичли, яъни бакалавриатура ва магистратура шаклида ташкил қилинади. Иккинчи педагог мутахассислар тайёрлаш тизими ҳам икки босқичли, яъни аспирантура ва докторантура шаклида бўлапти.

— Янги ўқув йили арафасида, мактаблардаги ўқитиш шилири ва дарсликлар билан боғлиқ муаммолар қандай ҳал этилаётгани ҳусусида ҳам суҳбатимиз.


— Ҳозирда республикамизда 460 мингдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячи бўлиб, улар 6,5 миллиондан ортиқ болани ўқитиб, тарбиялайдилар. Бу йилнинг ўзига турли фанлардан 69 номдаги дарсликлар 23 миллион нускада чоп этилиб, республикамиздаги мавжуд мактабларга жўнатилади. Яна янги дарсликлар яратиш устида иш олиб борилаётган. Айни пайтда ўрта махсус ва олий таълим соҳасида дарслик ва қўлланмалар яратиш муаммоси мавжуд. Сабоби, илгари бу нарсалар марказдан, яъни собиқ Иттифоқ орқали олиниб, ўқув муассасаларига етказиб бериладди. Эндиликда ўқув қўлланмаларининг барчаси ўзимизда тайёрланиб, чоп этиш мумкинлиги сабабли баъзан билим юртида дарсликлар етишмовчилиги юзга келмоқда. Яна бир муаммо, мутахассислардан ўз жойида фойдаланишни ижобий ҳал этишимиз. Президентимизнинг республика институтлари ректорлари билан учрашувидан юртбошимиз жуда муҳим масалани кўтардилар. У ҳам бўлса, республикамизнинг барча жаҳонларда олий малакага эга мутахассисларга бўлган эътиборни аниқлаш вазифасидир. Агар бу масалани халқ таълими тизимига тўғри таъхил қиларди, ҳақиқатан ҳам олдинги йилларда мутахассислар тайёрлашни режалаштириш нотиғри қилинганининг гувоҳи бўлармиз. Бугунги кунда республикамиздаги ўрта махсус ва олий педагог мутахассислар тайёрловчи ўқув юртида 8-9 мингдан зиёд мутахассислар кўп тайёрланмоқда. Табиийки, уларни иш билан таъминлаш ҳам муаммага айланиб бормоқда. Шуни таъхиллаш кераки, ортиқча тайёрланган ўқитувчи 4-5 мутахассисларга тўғри келмайди, холос. Ваҳоланки, пойтахтдаги ва бошқа вилоятлардаги баъзи мактабларда кўп фанлардан муаллимлар етишмаслик ҳоллари бор. Умуман, халқ таълими тизими учун зарур бўлган 15 дан кўп мутахассислик бўйича мутахассислар етишмайдди. Шу боис мактабларда кўп ўқитувчилар 1,5 ҳатто 2 ставкада ишлашга мажбур.

Етишмовчи мутахассислар бўйича муаммоларни ҳал этиш мақсадида биз Республика Вазирлар маҳкамасига янги тақдир кiritдик. Яъни, шу йил сентябр ойидан бошлаб, Низомий номи Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш институти қўшида олий маълумотли ўқитувчиларни қайта тайёрлаш илмоҳини ташкил этиш масаласини кўтардик. Мақсад тезкорлик билан бир-бирига яқин фанлар, масалан, математика-физика, кимё-биология, жўрфофия-тарих каби мутахассисликлар бўйича муаллимлар малакасини ошириш ва уларга кичкин, қўшма касб малакасини ҳам беришдан иборат. Шу йўл билан мактабларда малакани фанлардан етишмовчи ўқитувчиларнинг ўқитишга эришадилар. Бир сўз билан айтганда, яқин икки йил ичида барча таълим ўқовчиларини фан ўқитувчилари билан таъминлаш имкониятига эга бўлармиз.

— Суҳбатдош Зулфия ДУСМУХАМЕДОВА.

да шу ёшлардан республикамиз мустақиллигини мустаҳкамловчи, унинг келажagini яратувчи юқори даражали мутахассислар тайёрлашми зарур. Бу йил Тошкентдаги мавжуд тўртта педагогика билим юртида ўқувчилар шу усулда қабул қилинди.

— Суҳбатдош Зулфия ДУСМУХАМЕДОВА.



Республикамиз мустақиллигининг иккинчи йиллиги арафасида жуда кўплай уй-жой, маданий-маиший ва маъмурий бинолар фойдаланишга топширилмоқда. Шулардан бири «Қўйлиқ» автостанцияси биносидир (юқоридаги сурат). Бу бинонинг «Узавтоқурилиш» трестига қарашли Тошкент вилояти қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси барпо этмоқда.

Пастдаги суратда эса «Тоштакмирлаш-қурилиш» трестига қарашли 7-қурилиш-таъмирлаш бошқармасининг ёш бўёқчиларидан Дилшод Тошпулатов ва Рустам Нурмухамедовлар тасвирга туширилган. Улар иккинчи йилдан бундан шу касбада меҳнат қилиб, топширилган вазифаларни сифатли қилиб адо эттишмоқда.

Виктор Кириллов ва Виктор Багаев суратлари.

...КОРХОНАСИГА етиб келганда соат миллари эндигина олтига бонг урганди. Цехда соловчилар бригадаси бошлиғи Василий Ковальда уни кўтиб турган экан шекилли, барвақт келганидан мамнун бўлиб, Акромжон ақанинг истиқболига пешвоз чиқди.

— Келдингизми дўстим, — дея Василий у билан худди қадрдонлардек суҳбат бошлади. Ҳали замон Ленин ҳам келиб қолди. Бугун прессласан уқунасини соловчи улгурмасан, нафақат тери оқлаш цехи, балки пардозлаш цехи ҳам бекор туриб қолади. Қани, ишга киришадилки бўлмас. Вироздан сўнг бошқа соловчилар ҳам бирин-кетин цехга кириб келишди. Сўнг ҳаммалари нима қилиш кераклигини ҳусусида топшириқ олишгач, ўз вазифаларини бажаришга киришдилар. Ҳеч қандай танаффуссиз сидқилидан, астойдил меҳнат қилганликларни туфайли тери оқлаш цехининг асосий «отомир» ҳисобламни прессласан уқунасини тушга қолмай солов, ишга туширилди. Бундан айланиб кетди. Чунки мана шу уқунасиз иш юришмайди-да. Негани, у корхонанинг бир маромида ишлаганини таъминлайди.

Акромжон Илхомов корхонада 28 йилдан бери ишлаган бўлсалар ҳам, ҳали бирор марта ишга кеч келганини билмайдми, — дейди «Ўзбекистон» кўн-пой-

абзал ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-кўн заводда тери оқлаш цехининг соловчилар бригадаси бошлиғи Василий Ковальда. — Жуда ҳалол ва ростгўй инсон. Билганини бошқалардан аямийди. Ҳозирги кунда ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатмоқда.

машғали, меҳнат фахрийси Акромжон Илхомовнинг ҳиссаси катта.

— Бу одам билан бирга ишлаганимиз ўзи бахт, — дейди Акромжон ақанинг шогирди, эндиликда ўзи ҳам ёшларга мураббийлик қилаётган соловчи Леонид Маркин. — Жуда дилкаш ва сав-

мимий инсон. Чехрасидан табассум аримайди. Билмаган нарсангизни сураганиз, эримасдан тушунтиради. Малакаси катта. Цехдаги барча асбоб-ускуналарнинг «тилини» ипидан-игнасигача тушунади. Мен устозимдан нафақат соловчиликни, балки тунукачилик ва пайвандчилик ҳам пухта ўргандим. Ҳозир, агар керак бўлса, пайвандчилик ҳам, тунукачилик ҳам қилавераман. Касбни ардоқлашни, одамларга қандай муомала қилишни ва меҳнатни қадр-

АТРОФИЧА ЎРГАНИЛМОҚДА

сифатида атрофдаги ўрганилмоқда. Бу борада инглиз тифлопедагог ўқитувчиларининг кўп йиллик ортиқча тажрибалари кўзи оқизлар билан таъминлаш имкониятига педагогика жамоалари учун

лашми шу кишидан ўрганим. Эндиликда менга шу нарсаси аён бўляптики, ўз меҳнатининг қадрига етган одам ҳеч қачон кам бўлмас экан. Акромжон ақанинг кўп йиллик ҳалол меҳнати бунга яққол мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам ишда устозимдан орқанда қолмасликка ҳаракат қилиб, унинг изидан боришга интиляман.

— Йигит кишига қирқ ҳунардан ҳам оз деб бекизайтишмас экан, — дейди меҳнат фахрийси, олий даражали соловчи Акромжон ақани Илхомов. — Мен қадрдон корхонам остоначига биринчи бор қадам қўганимда ёшгина йигит эдим. Ҳаш-паш дегунча эллик ёшга қоралаб қўйибмиз. Эндиликда 4 нафар фарзандимдан ташқари 5 нафар неварам ҳам бор. Ишга келган давлатлик пайтларда қўлимда биронга ҳам ҳунардан йўқ эди. Мана энди бирйўла учта касбини муассасаларга қўйибман. Айтмоқчимани, одамнинг ўзига иштиёқ бўлсин экан. Агар одамда иштиёқ, интилиш бўлмаса, эргашганингиз билан бир касбнинг этакидан ушлаши қийин. Шу олдидинга соловчилик касбини орқали кишилар назарига тушиболсин, шунинг ўзи мен учун ҳамма мукофотлардан афзал. Зеро, ҳалол меҳнат қилган одам ҳаммаша иззат-ҳурматда бўлади.

Исмом ЗОИРОВ.

* Мутасаддилар фикрича... ТИШ ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ КўПАЯДИМИ?

ҚУРМАТЛИ «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти! Бундан иккинчи ой муқаддам пойтахт дўконларида тиш ювиш воситаларини кўпайтириш мумкин экан. Вироз вақт ўтгандан кейин нима ҳам бўлади-ю, ана шу маҳсулотлар дўкон пеститаларида кўринмай қолди. Тижорат дўконларининг ишбилармонлари эса бундан фойдаланиб хориждан келадиган тиш ювиш воситаларининг нархини бирданига кўтариб юборди. Ҳозир битта идишдаги тиш ювиш воситаси 500—600 сўм, ҳатто 800 сўмгача бор. Тижорат дўконларининг баъзиларида ўзинида ишлаб чиқарилаётган ана шу маҳсулотлар ҳам сотилимоқда. Бундан қандай тушуниш мумкин? Еки тиш ювиш воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар тўхтаб қолганими? Бундан буён шахримизда тиш ювиш воситалари кўпаядими?

Ғули КАРИМОВА, тарбиячи.

Шу маълумдаги мактаблар тахририятимизга қўйлаб келадиганини ҳисобга олиб, юқоридаги саволларга жавоб беришни биз шахардаги шу ишга маъсул идораларнинг раҳбарларига мурожаат қилим.

Мухтор АБДУЛЛАЕВ, Тошкент атторлик-савдо ташкилотини директори ўринбосари. — Биз тиш ювиш воситаларини асосан «Лола» уна-атторлик фирмасидан оламиз. Лекин шунинг ҳам айтиш кераки, шахар савдо дўконларининг ҳаммасини ҳам биз таъминламаймиз. Сабоби пойтахтдаги Марна-

рибасидан унумли фойдаланиш, таълимий нидда ахши натижаларга эришиб келмоқдалар. Яқинда тифлопедагог ўқитувчилардан М. И. Ромова ва Н. Григорьевлар кузатишлари асосида тажриба алмашув юзасидан илмий-услубий ахборот маърузаси тайёрланди.

Ақбар АЛНОВ.

Зоя Виноградова, «Лола» уна-атторлик фирмаси директори. — Мактаб муаллими ҳан. 1990—1991 йиллари ҳам ашё маҳсулотлари етарли бўлиб турган вақтда корхонамиз тиш ювиш воситаларини ойига 4,5 миллион донагача ишлаб чиқарар экан. Эндиликда эса бу рақам 2 миллионга тушиб қолди. Сабоби ҳозир корхонамиз ҳам ашё маҳсулотлари билан таъминлаш жуда қийин бўлиб кетди.

Ундан кейин айни пайтда бизда ишлатиладиган уш ашё турларининг нархи ошди кетган. Юқоридаги муаммоларга қарамадан уна-атторлик маҳсулотлари билан халқимизни таъминлашга ҳаракат қилаётимиз. Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларнинг 65 фоизи республикамиз ҳудудидан дўконларга жўнатилаётган. Илгарили бу рақам анча паст эди.



• Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг иккинчи

йиллиги олдидан

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Қонун даставвал бундан бир йил муқаддам Олий Кенгаш томонидан тасдиқланди ва биз янги Қонунни яратиш ҳуқуқий имкониятига эга бўлдик. Бунга қадар эса 1989 йил қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни таълим соҳасида қўллаб келдик. Мактаблар ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртидаги ёшларга давлат тилига ўтишга киришди. Бирок, одобнома, диний таълим асослари, эски ўзбек ёзуви, Ўзбекистон халқлари тарихи каби янги фанлар ўқув режаларига киритилиши билан бир қаторда уларни ўқитишда на дарслик ва қўлланмаларнинг, на шу соҳадаги мутахассис ўқитувчиларнинг йўқлиги олдиндаги катта муаммо бўлди. Ниҳоят, олим ва мутахассислар ҳамкорлигидан қилинган уч йиллик қизғин меҳнат натижасида бу фанлардан янги дастурлар, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтда қисқа муддатли ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ташкил қилинди. Вилоятлардаги ўқитувчилар малакаси оширилиб, улар ўз мактабларида бошқа ўқитувчиларни ўқитишди. Қисқа фурсатда марказий институт томонидан тезкор ўқув қўлланмалари ва режалар ҳамда кичик ҳажмли илмий тўпламлар яратилиб, жойларга юборилди. Шундай қилиб, миллий аъналар, урф-одат ва қадриятлар руҳи билан сугорилган янги ҳушлар таълим тизимига кириб келди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда тасдиқланган янги тизим йўналиши шундан иборатки, бунда барча босқичдаги ўқув сифатини яхшилаш, келажакимизни яратувчи миллий мутахассислар етиштириш ҳамда ўқув сифатини энг ривожланган давлатлар ўқув андозаларига етказиш зарур. Бунинг учун биз ишчи барча босқичларни бирма-бир аниқлаштиришдан бошладик.

— Бошланғич таълимдаги ўзгартишлар ҳам тўхталган.

— Мактабга тарбия муассасаларидан мактабга узатишдан жамғиришга бошлангич синфларда бериладиган таълим асосан болани ҳуснига ўргатиш, миллий тил бойликлари билан таништириш, эркин фикрлаш ҳамда

қаратилган.

— Кейинги пайтда фанларни чуқур ўргатиш соҳасида қандай чоралар қўрилмоқда?

— Пойтахтимизнинг ўзига айрим фанларни чуқур ўрганадиган кўпгина мактаблар мавжуд. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 426-боғчада хорижий тилларга ўргатиш бўйича тажриба маркази ташкил қилинган. Бу масканда рус ва бошқа миллат болаларига давлат тилини жадал ўргатиш дастури яратилиб, 1-болалар боғчасида синаб қўрилгани ва қўллаш учун Республика боғчаларида юборилгани ҳамда шахримиздаги 9, 16, 24, 17, 43, 46, 133, 138, 165, 191 ва 242-мактабларда 1-синфдан бошлаб чет тиллар, она тили, математика, бадий-эстетик фанларни чуқур ўргатиш йўлга қўйилгани қувонарли ҳол.

Сергеи туманидаги 300-мактаб-лицейда ҳам араб, инглиз тиллари, физика-математика, кимё, биология, информатика йўналиши бўйича иш олиб боришмоқда.

Истиқлол шарофати билан олий ва ўрта махсус таълимда ҳам янгиликлар жорий қилинмоқда. Бунда бизга ривожланган давлатлар тажрибаси анча қўл келмоқда, яъни улардан ўрганиб, республикамизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам лицей, коллеж каби янги турдаги ўқув юртилар ташкил этиляпти. Буларнинг моҳияти, 9-синфни битирган ўқувчиларни иккитидора бўйича танлов асосида ажратиб олиб, тасдиқланган ўқув режаси ва муддати асосида уларга туғилган ўрта таълим берилади. Ўқув юртини битирган ёшлар шаҳодатнома билан бирга гувоҳнома ҳам оладилар ва танлаган касби бўйича ишлаш имкониятига эга бўладилар. Еки бу ёшлар кейинги поғоналарда ўрта махсус ва олий таълимга ўтиб ўқишлари мумкин. Яна бир янгилик шундан иборатки, мазкур ўқув юртиларига қабул танлов орқали, аниқроқи, 1992 йилдан бошлаб тест синови усулида имтиҳон олиниб, талабалар қабул қилинмоқда. Бундан мақсад, йиғиң-қизлардан энг билимдонлари ва иштиқдорларини тасдиқлаш ёрдамида, компьютер асасида аниқлаб, одилона танлов олишдан иборат. Чунки, янги тизимдаги ташкил қилинаётган янги мазмунли ўрта ва олий таълим поғоналари-

ПОЙТАХТДАГИ давлат кишлоқ ҳўжалиги конструкторлар бюроси нафақат маиллакатимизда, балки бутун жаҳонга танилган. Гап шундаки, бундай синов муассасасининг яна бири фақат Америка Қўшма Штатларида фаоллаш кўрсатади холос.

Синов машиналарини қўриқдан ўтказув марказининг бошлиғи Александр Алтуниннинг таълимига қараганда бу ерда республикамиз кишлоқ ҳўжалиги учун янги машиналар иштиро қилинар.

* Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

ЖАҲОНДА ИККИТАДАН БИРИ

кан. Бу машиналар бугунги кунда бутун дунёга донг кетган «Тошкент трактор заводи». Тошкент кишлоқ ҳўжалиги, Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалиги, Чирчиқ кишлоқ ҳўжалиги ва Тошкент кишлоқ ҳўжалиги кимё машинасозлиги корхоналарида жорий этилмоқда. Чунонки, яқиндагина Тошкент кишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхонаси ишлаб чиқарган ва Хитой Халқ Республикасида машҳур бўлиб кетган янги тракторларнинг лойиҳаси ҳам шу ерда дунёга келган.

— Кейинги пайтларда, — дейди Александр Рубенович, — эътиборни кўпроқ кўп тармоқли машиналарга қаратилмоқда. — Чунки мавсумда кўп билан қирқ кун ишлайдиган тракторларимиз қолган ўш бир ойда бекор туриб қоляпти. Шу боис машиналаримизнинг


кабина қисмини алоҳида ясаб, тирнамалари зарур пайтларда узилдиган қилиб тайёрлашга эришдик.

Хорижий ҳамкасбларимизнинг тажрибаларига асосланиб фермер ҳўжаликлариға мос келган машиналар ишлаб чиқаришимиз. Улар фақат пахта теришга мўлжалланган бўлмасдан боғдорчилик, сабзавотчилик ишларида ҳам асқотяпти. Маълумки, яқинда Президентимиз Ислам Каримов Голландияда сафарда бўлиб, уларнинг сермахсул картошкаларини Ўзбекистон заминидан етиштириш ҳақида тақлиф киритдилар. Бу борада биз ҳозирданроқ баъзи муваффақиятларга эришдик, деб айтишга ҳақлиман. Негани, ҳозирданроқ ана шундай шароитда ишлаш оладиган машиналарни синодан ўтказяпимиз.

Шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг жаҳонга машҳур «Жандир» фирмаси билан ҳам алоқа боғлаб, уларнинг пахтага тез ва тоза терадиган машиналарини ўрганиб чиқдик. Афсуски, бу ишда ҳал бўлмайдиган муаммага дуч келдик. Гап шундаки, америкаликлар иккитидора пахтага 90—95 фоиз очилгач терилиш бошлаш имконини беради. Бизда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 55—56 фоизга тўғри келади.

Энди икки оғиз муаммолар ва мутахассислар ҳақида. Биз уларни асосан Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини ва техника университетидан оламиз. Чунки бизда асосан олий маълумотлилар ишлайди. Қолганлари ҳам ўрта махсус ўқув юртиларининг битирувчилари. Мен бу мутахассис надрларини олий ўқув юртиларда олган билимларини ҳеч бир камситмаган ҳолда шуни айтмагани, улар асосий жараёйлари билан келиб ўрганишди. Ачинарли томони шундаки, биз уларни бир неча йил давомида етук мутахассис қилиб тайёрляпимиз. Бинобарин фақат олий даражали мутахассислар ёрдамидагина энг кудратли, энг қўлай ва энг самарали техникани жорий этиш мумкин.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.



«Лола» уна-атторлик фирмасининг жамоваси кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келадиган Арнадий Тивановни бағоят ҳурмат қилишди. Шунинг учун ҳам у ишлаш учун келадиган йилларга ўзининг чилангарлиги касби сирларини ўргатиб келмоқда. Утган 20 йил давомида у жуда кўплай шогирдлар тайёрлашга муваффақ бўлди.

СУРАТДА: 6-даражали чилангар Арнадий Тиванов, Рустам Шарипов сурати.



БУГУН ҲАР ЮРАКДА ОЗОД ЮРТ ВАСФИ

* Мустақиллик мушоираси

ИСТИҚЛОЛ НУРИГА ҲУР БАТАН ТЎЛСИН!

Ҳофизам илҳиз — олис асрлар,
Хотирамдан ўчмас ола-тасирлар.
Кунтуғардан чиққан ҳун боласинан,
Қун боласин, дурқун, чўнг боласинан.

Емакка илк бора туз солган, бобом
Юксакка минг бора кўз солган, бобом.
Офтоб-ла туғилган аждодларим бор,
Елғиз ҳаққа аён имдодларим бор.

Юртим сарҳадидан нур соқин бўлган,
Турк илк бор уй қуриб, чироқчи бўлган.
Али Эр Тўнға бобом, ғолиб шер бобом,
Турк ўлмади, қадди тикланди мудом.

Байроғида ҳамон ой, юлдуз уйғоқ,
Тўққиз минг йилдирки, ўткир кўз уйғоқ.
Турон эдинг, сен тоғ эдинг, шон эдинг,
Кўктуғур эдинг, кўри-динг, Туркистон эдинг.

Турк тик бўлган, ёнга чўкка тушмаган,
Олтин тарихингга кўлка тушмаган.
Китобинг йиртилган, таланган тилланган,
Аммо кўрагингдан инсоф кўчмаган.

Веруний, Фарғоний, Иби Синолар,
Илҳиз тикланган буюк бинолар.
Ҳақонини сўраган минг-минг донолар,
Ўтмиш сени билган, бугун тан олар.

Амир Темур нурли манглайинг синаб,
Йигирма етти давлатни бийлаб
Доғруғин тиклади Туркистонини,
Олтин ҳарф-ла битиб қутлуғ номини.

Хинд, Эрон, Овсропо Темурини тиклаб,
Англав давлат туғуш, соз чораларини.
Амир Темур бобом, етти илҳизга
Дарахдай ўтгадди минораларини.

Улғубек Тарағай имлаб юлдузин,
Осмон энг турига қадаб шоҳ кўзин.
Жаҳвал тузиб, зарҳал билла азалин
Этди ишро, тўтди юлдузга сўзин.

«Темурхон наслидин султон Улғубек» —
Элта олган олис юлдузларга эрк.
Унинг аскарини кўк аҳли эди,
Темурнинг тирноғи кўп аҳли эди.

Ҳусайн Бойқаро еру кўк аро
Берди фан-чанг босган юзига оро.
Жаҳон марказига айланди Ҳирот,
Ер юзига нуфуз ошди тобора.

Дунёнинг илк шаҳри икки милёни
Ҳирот эди, эл шод эди иккони.
Азони айтиб тоғини юрга чорлаган,
Халқ эди ҳақ эди юзла, иймони.

Офтобининг нурини ки қалам айлаб,
Турк сўзини байроғини осмонга бойлаб.
Навой бобомиз дуолар ўқиб,
Девонини ўпамиз ҳар кун авайлаб.

Абдуллахон миниб Темур отига,
Етмоқ учун буюк эл муродига
Туронни тиклай деб, юртин кўрилай деб,
Қўлоқ тутди элнинг эр имдодига.

Туркистонини, туркий шонини, турк қонини,
Турк — тик, турк — кўк, турк — қўл,
Истиқлол нурига ҳур Ватан тўлсин,
Дийрми тоабод қувончга тўлсин.

Тўра МИРЗО.

РАВНАҚ ТОПСИН КАМОЛНИНГ

Ўзбекистон ўзлгини ҳуруқ гап бўлмасин-ей,
Наш урган дозаларини сарғайиб сўлмасин-ей,
Истиқлол деб курашган мардларини ўлмасин-ей,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Экин-экин эсади субҳидамда елларинг,
Истиқболга юз очин, замин — зан елларинг,
Дунёнинг ҳар бурчида бурро эрур тилларинг,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Аждодларинг руҳлари қўлагани рост бўлсин,
Туркий ҳақиқатини йўлагани рост бўлсин,
Ўқиларда ҳақиқат қўлагани рост бўлсин,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Кўрмаган кўлар сени бисирликка йўлқисин,
Худодан қарини олиб, асирликка йўлқисин,
Шифосини тополмай ғамсирликка йўлқисин,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Хушёр бўлгин юртинга, тиллари бошқалардан,
Ҳасадгүй, заминлару диллари бошқалардан,

Қўйиниға қўлин тикқан йўллари бошқалардан,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!
Бағри бутлик ҳамиша ўзбекининг ўзлгиндир,
Дунёда тағилгани бир бутун сўзлгиндир,
Баҳодир қувват билан кўзласа қўзлгиндир,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Турналаринг турланиб, узаверсин ёй бўлиб,
Халқнинг жиллоласини, малоҳатта бой бўлиб,
Жилгаларинг жуш урсин, тошқин дарё, сой бўлиб,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Шу юртининг хуморини налагандар бор бўлсин,
Замини халқинини сизлагандар бор бўлсин,
Аллоҳнинг рағбатидан, иқболлари ёр бўлсин,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!

Хумо қучиб самонни, манглайда нур балқиб,
Осмонини мусаффо байроғини ҳур балқиб,
Дустларинг даврасида сарқорлик туғин тағиб,
Равнақ топини камолнинг, жонажон юртин меннинг!
Хусанжон АМИН.

БУ ҲАЁТДА БЎЛ ХУШҲОЛ!

Умр бўйи меҳнат қўйинда,
Ёнға артар севинч ёшнини.
Тобе бўлиб яшаш унга ёт,
Донм мағрур тутар бошини.

Ялғизлиги ҳуш кўрмайди
Ҳеч,
Умид билан қақчаб

турар кўз,
Унга етиб-ортади доғи
Биттагина, илқ,
Ширин сўз.

Юрагига тегиламан гар,
Билмаганим оқлаверадим.
Икки қўли кўксига қўйиб,

Айтганингиз қилаверадим.
Елгон гапта асло ҳуш
Қолганлари бўлаверадим.
Жиндай ҳазил қилиб
Тўйиб-тўйиб қилаверадим.
Бор овоз-ла ҳайқираб

Бул ҳаётда бўл хушҳол,
Ўзбекистон — мустақил
Ўлка,
Ўзлгининг таниб ол,
Ўзбеки

Тўққин.

* Байрам тадбири

«ШАЙХОНТОҲУР ШОДНЁНАЛАРИ»

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан 1 сентябрь кўни Ўрда даҳасининг Анҳор бўйида бўлиб ўтадиган катта байрам томошалари ўзининг кинема-хиллиги, етук санъат усталари ва қатор бадиий ҳаваскорлик дасталарининг ранг-баранг маданий чиқишлари айниқса диққатга сазовордир.

Ушбу театрлаштирилган мусиқали томошалар «Шайхонтоҳур шоднёнлари» деб аталади. Тўрт бўлимдан иборат ушбу байрам дастури эрталаб соат 9.00 да бошланиб, кеч соат 19.00 га қадар давом этади. Томошалар республика фузвчилар саройи қошидаги доврачлар дастаси ва карнай, сурнай сазолари остида «Чаман» ёш раққосаларининг оммавий хиромлари билан оқилади. Даврада Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри, Абдулла Қаҳҳор номли Тошкент сатира театри актёрлари ва Тошкент давлат цирки артистлари ҳам ўз санъат ва маҳоратларини намоён этишадилар.

Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси қошидаги хизмат кўрсатган ҳор жамоаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Қодир Мўминов раққосликдаги «Ўзбекистон» раққос дастаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева, ака-ука Исмоилжон ва Исроиложон Ваҳодовлар, истеъдодли хонандалар Насиба Сатторовна, Маҳбуба Ҳасанова, Суннатилла Қўчқоров, Эркин Раҳимов, Хотам Қосимов, шунингдек Шукрулло Дашдешев ва Акмалжон Сўфихонлар оилавий дасталари байрамга ўзгача фойда бағишлайди.

Республикада тобора маълум ва машҳур бўлиб бораётган республика ўқувчилар саройи қошидаги «Чаман» фольклор-раққос дастаси қатор раққослари билан байрам тадбирида марказий ўрин тутди. Шунингдек, фольклоршунос-санъат кўр Миродж Умаров ўзининг лапарчи қизлар дастаси билан қатнашди. Халқ таълими бўлимига қарашли «Илҳиз» қизлар дастаси, туман маданият ишлари бўлимига қарашли 3-маданият уйи қошида «Сўғдиёна» вокал қолдуги дастаси, Алишер Навоий номли маданият уйининг «Дилрабо» Халқ ашула ва раққос дастаси, шунингдек Мухтор Ашрафий, Фаттоҳ Назаров ва Ҳамза номли даста болалар мусиқа мактаб ўқувчилари, «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевак хонанда ва раққосалари байрам иштирокчиларига маданий хизмат кўрсатадилар.

Жуда кўп қизиқчилар, ақилчилар, масқарабозлар ўзларининг ичак узди хангомалари билан томошобинларнинг чеҳраларига янада чирой бағишлайдилар. Ушбу театрлаштирилган оммавий байрам тадбирига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Азимжон Даводов бадиий раҳбарлик қилди.

Абдулхўров ШУКУРОВ.

ЯРИМ тундан ошганда, соат икки — учлар бўлса керак, уйғониб кетдим. Кейин ухлолмадим. Қўлимга газета, сўнг китоб олдим. Осиёнинг мириқиб эмган қўзичоқ сингари мен ҳам уйғуқа мириқиб ўйинмаганим ёки кўнглимдаги турли муаммолар тинчлик бермаганим, кўларим бошқа юмилмаганим. Уйга эса сизгидим. Қўлимга сизгидим олиб кўчага чиқдим.

Атрофда сокинлик ҳукмрон. Қилт этган шамол йўқ. Дарахлар ҳаттоки шивирламайдилар. Фақатгина узоқлардан гизиллаб кетаётган юк машинасининг гуриллаши эшитилди. Табиат иссиқ кунларини ҳайдаб, оҳиста-оҳиста совуқ ҳаво олиб келаётган эрта куз пайти. Яқинда рўстман қаҳратон кунлар келади. Бу йўлдан этим жунжиккандай бўлди. Олти томонни бетон билан ўралган зах уйимга киришга шайландим. Бирок шу дам бир кишининг мен томон юриб келаётганига кўзим тушди. Ёши қирқ бешларда. Ўрта бўйли, истараси иссиқ. Ўзига ярашган мўйлови ҳам бор. Эгинда тўн, бошида дўппи. Қўллари орқасида қовуштирилган. У яқинлашар экан, мен салом бердим.

— Ассалому алайкум.
— Ваалайкум асسالом, — алин олди у, сўнг менга аста сўз қотди. — Тақсир, маъзур тутиш, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Мен ҳозир... Тошкентда юрибманми?
— Ҳа, албатта.
— Мен кўп жойларни таний олмайман. Мана бундай бинолар негидир жуда мўл — У кўп қаватли уйларга ишора қилди. — Буларда ўзбеклар яшайдими?
— Ҳа, тақсир. Сиз узоқ қишлоқдан келдингизми? — мен ҳам сўрадим ўз навбатида.
— Асло. Меннинг етти пуштини шу шаҳардан... Лекин, бу тун ақиб бир ҳодиса рўй берди. Ярим тундан ошганда уйғониб кетдим. Ховлига чиқиб боғимни айландим. Бу замоннинг ишлари ҳақида йўл сурдим. Сўнг, негидир Чорсуга чиқиб айландим, бедор юрган бозорчилар билан суҳбатлашгим келди. Уям Самарқанд Дарвоза гузариданман. Чорсуга етмаган ҳам эдим, бирдан атрофга кўзи қамаштирилди дармада ўткир нур ёғилди. Киприкларим беихтиёр ичирилди ва яна шундай тўсқинлар қоронғиликка қайтдим. Қўзимни очсам, атрофда бинолар, кўчалар ўзгача бўлиб қолди. Бирор кимсани учираганимкамман деб алашиб юрган эдим, сиз учраб қолдингиз. Бу маҳалланинг номи нима?
— Бу ери «Бог кўча» дейдилар. Илгари «Ц-27» деган номи бор эди... Вошингтондан жуда галати ҳодиса келибди. Келиб... Сиз бошқа параллел оламдан келиб қолган бўлсангиз? Ёки вақт бўйича силжини рўй бердимикан-а? — дедим мен ўйланиб ва билимимни намоён қилиб. Ким билди, ҳақиқатини шундайлар. Ким мен бундай эмаслигини ишонтиради. Бу ҳодисотга бошқа са-

баб топиш мушкул. — Айтинг-чи, сиз учун ҳозир нечакчи йил? — ўсмоқчи-лаб сўрадим мен.
— Мелодий бўйича бир минг тўнқиз юз ўттиз еттинчи. Нима, бу ерда ҳозир бошқа бир даврми?
— Ҳа, албатта. Ҳозир бир минг тўнқиз юз тўқсон учинчи йил!
— Во ажаб!!! — номаълум киши кучли ҳайратга чўмди ва бирдан сўради: — Тақсир, айбга буормайсиз, юртиниз мустақилми?
Мен мийғимда жилмайдим. Бу кишининг илк саволи шундай бўлса, демек унда юрт, Ватан туйғуси кучли экан, ўйладим мен. Ва жавоб қилдим:
— Ҳа. Биз мустақилмиз. Бунга икки йил бўлиб қолди. Жаҳон ақли ўзбек давлатини тан олди.

ТОНГ ЁРИШИБ КЕЛАРДИ

(Ҳаёлий ҳикоя)

— Е, Оллоҳ! Е, Парвардигор. Ўзингга минг қатла шукур! Наҳотки, гапларингиз рост? — унинг кўзларидан ёш юмалади. — Сизни бир қўчам майлими?!
Унинг вужуди титраб, кўксидан кучли ҳайқирилар отилиб чиқруден эди. Бир оздан сўнг, у ўзини тутиб, кўз ёшларини артди.
— Сиз кимсиз? — сўрадим мен қучоқлашиб бўлиб. — Исми-шарфингиз нима? Шунчалик Ватан, миллат учун қайғулар экансиз?!
— Сизга, сизнинг авлодга Жулкунбой номи танишми?
Ҳайратга тушиб навбати энди менга келганди. Вужудимга титроқ кирди. Қўйондан ҳайрироқ юборай дедим. Бу қандай тасодиф?!
— Наҳотки?! Наҳотки, сиз Абдулла Қодирийсиз?! — таъкидладим ҳалжонланиб. — Сиз ушасиз!
— Ҳа, — жавоб берди у.
— Бун қаранг! — дедим мен. — Бу ахир фантастика-ку! Ақл бовар қилмайди. Шундай ҳодисотни ўзим ёсам ишонмасдим. Айбга буормайсиз, мен адабиётнинг шу соҳасига жуда қизиқшимини ва гоҳ-гоҳ қалам тебратиб турганимни маълум қилди. Шунинг учун, билмагани, тонг оттувча инимизнинг суҳбатлашиш имкониятимиз бор. Табиатнинг шундай сирли қонуни асардан асарга кўчиб юради. Бу бекиз бўлмаса керак. Сиздек тарихий буюк зоғни учратиш мўъжизалардан бошқа нарсаси эмас!
Жулкунбой жилмайди.
— Энг асосий воқеа рўй берибди-ку! Энди оқилона сўбасат ва тадбирлар билан халқ руҳини кўтариш даркор. Бирлик ва жамоулкамлик керак.
Мен шу пайтда уни негидир уйга тақлиф қилмаганимни эслаб қолдим.

— Тақсир, вақт алламаҳал бўлса ҳам уйимизга кириб бир пиёла чой ичсангиз, жуда мамнуъ этган бўлардингиз.
— Мулла йигит, ўзингиз айтгансиз, вақт алламаҳал. Бундай дамба оила-гизни беэозта этиш ҳеч бир одоб-ахлоққа тўғри келмас. Истасангиз, юртинг, биргалишиб Чорсунинг бу даврдаги атворини кузатайлик.
— Бақонидил, тақсир!
Биз кимсасиз кўча чети бўйлаб юриб кетдик.
— Бу катта кўчаларнинг чаргоғини яхши-ку, аммо мана бундай уйлар менга ёймайди, — деди Жулкунбой кўпқаватли биноларга ишора қилиб. — Бу ерларда боғу роғлар бўлгучи эди. Ариқларда тип-тиник сувларнинг жилдираб оқishi кўнглига завқ берарди.

— Тақсир, чет юртларга кетсангиз қалай бўлар экан? Ахир сизнинг даврингизда шароит жуда оғир-ку.
— Мен учун бу ҳақда ўйлашнинг ўзи азоб. Қандай қилиб Ватаним тарк этиш мумкин? Мен ўз замонамдан ҳар қачна кириш қутсам ҳам, барибир, кўнглимнинг бир қаттида балки мен қамашмас, тегишмас, охириг даяр йўроларга қарши сўзламадим-ку, деган умид учунларини ҳам бордир. Қандай қилиб бошқа юрда яшаб ўз Ватаним, унинг тарихи ҳақида ёшнинг мумкин? Бундай ижод — ёлгон ва сохта ижоддир.

Даврамларнинг бир байтлари бор: «Юртин тўйган жойни — Ватан, дегучини олмангиз та!» Ёки ўзингиз «Навак Махзум»да Сўфи Оллоҳнинг икки сатрини келтирганингиздек: «Агар дарё тағида бўлса жойинг. Ваҳона бирла-еткурғай худойинг». Сиз ўз даврингиз одамларига ҳам, келажак авлодлар учун ҳам ўз Ватанингизда нерасиз. Шунинг учун, мардларингизга таъ бироб, сизнинг қонингизда тиз чўшиш ҳам оз... Тақсир, ҳозирда сизнинг «Ўтган юмлар», «Меҳробдан чаён» романингизда халқимиз адабиётининг энг шоҳ асарларидан деб тан олинган. Барча ёзувчилар сизни ўзларига устоз санайдилар. Биз бу пайтда Чорсуга яқинлашиб қолгандик. Бу ерданги буюнлар ҳовиллар ўрнига қурилган улак бозор — тумбани кўрсатиб «мақтанмоқчи» бўлишга чоғланган ҳам эдимки, Жулкунбой менга юзланди:
— Мулла йигит, атроф ёришаётди — қайтиш вақтин келганга ўхшайди.
— Ҳа, тақсир, дедим мен. — Ёзла жаса хайрлашайлик. Сизга бардамлик тилаймиз.
— Хайр...
— Аллоҳ, буюк устоз...
Теварак-атроф ёришиб борарди, шу дам Жулкунбой тўсқиндан ғойиб бўлди... Афёсики, меннинг бу буюк зот билан тасодифий учрашумни қандай қутламаганда бошланган бўлса, шундай тўсқиндан узилди. Мен ундан кўп нарсаларни сўраб улгурмадим. Кўп фикрларини айтиб қолмадим. Суҳбатимиз қисқа бўлди. Аммо, шунга ҳам шукр. Балки ҳаёт менга яна бир бахтли ҳодиса ҳада этар... Маънос ҳолда инимга қайтдим. Уйим томон йўналар эканман, енгил шамол турганини, орамдан тонг ёришиб келатганини ҳис қилдим. Озод МҲМИН.

«ОҚИБАТ»ДАГИ УЧРАШУВ

МИРЗО Улғубек туманидаги 64-ўрта мактабда «Оқибат» маҳалласи аъзолари билан мустақиллигининг икки йиллиги тантанаси олдидан учрашув бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Шавкат Мирзиёев, шоир ва олимлар, мактаб раҳбарлари иштирок этишди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ори-

пов сўзга чиқиб, ўз шеърларидан намуналар ўқиб тўланганларни яқинлашиб келатган байрам билан муборакбод этди. Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси-

нинг хушовоз хонандаси, «Кўхнур» дастаси раҳбари Хурсанд Шеров турмуши ўзининг дилрабо қўшиқлари билан даврга фойз киритди. Шахло ШОНСЛОМОВА.



Байрам бу — энг аввало шодлик,

мейлиш этишга ошмакди. Эй, она

қувонч демандир. Демакки, шодик

юртин бағриндан байрамлар эри-

на халқиники бўлади, шодиканнинг

масни. Ҳамиша фарзандларинг шод-

тўри эса санъаткориники бўлади. Ёшу

лик қучида яшасинлар!

қари баробар ўз санъатларини на-

Абдулхўид ва Абдусаттор

Тўрсов суратлари.



Жун Чон РИ:

«ТАЭКВОН-ДО—ҲАЁТИМ МАЗМУНИ»

© 1989 йил эди. Москва ҳарбий овуқларидан бирида йиллик бурчида тугатиб собиқ СССРнинг ўша пайтлардаги пойтахт бўлиши билан бир неча ҳафта қилиб кетдим. Бир неча йилдан буён шарқона беллашулар билан шуғулланиб келатган биродарларимдан бири Москвада Америка таэквон-доси отаси Жун Чон Ри келгани, амалий машғулотлар ўтказиб беришни айтиб қолди. Халқаро таэквон-до федерацияси томонидан белгиланган энг юқори—10 дан соҳиб, 80 дан ортиқ китоб муаллифи, АҚШ, Пуэрто-Рика, Доминикан Республикасида ўзининг 70 га яқин мактабларида эга, спорт ихтисослашган икки завод ҳужайини, Р. Рейган, Жорж Буш каби президентларнинг яқин дўсти, юзлаб Америка конгресси аъзоларига таэквон-додан сабоқ берадиган шахс билан суҳбатлашш имкониятини ўзидан чиқариш мумкин эмас эди. Ўзбекистон Республикаси пойтахтида ўтажак Осиё ва Тинч Океани минтақаси мамлакатларининг 1-чемпионати арасида таэквон-до тармақига бекиб ҳисса қўлган инсон билан қилган суҳбатининг ҳавола этишимиз шарқона яккакурашлар муҳлисари эътибордан четда қолмайди деган умидимиз.

— Жаноб Ри, аввало таэквон-дога қандай ошно бўлиб қолганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. — Очиги, ҳеч қачон таэквон-до ҳаётим мазмунига айланиб қолмади, деб ўйламаганим. 13 ёшимда нафақат ўғил, балки қиз болалардан ҳам нимжон, озгич бўлганим-чун калтак еб келганим. Никхот бундай яшаш жонимга тегиш. Ўзимни ўзим ҳимоя қила олиш учун таэквон-до билан яқин шуғуллана бошладим. Икки йилдан сўнг спортнинг мазкур тури ҳаётим мазмунига айланиб қолди. Ўша даврларда ҳам таэквон-до Кореяда жуда оммалашган.

малакали мураббийлар ҳам жуда кўп эди. Шунинг учун 15 ёшимдаёқ АҚШга бориб таэквон-до мактаблари очилиши ният қилганим, шунинг учун машғулотлар билан бир қаторда инглиз тилини эур бериб ўргана бошладим. 1986 йилда — қора белбоқ соҳиб бўлган чўнтагимдаги 46 доллар билан Американи заёт этгани яқиним. Лекин бу шунчаки шароитни ўрганиш сафари эди.

— Яъни? — Бегона юрда ниятларимни амалга ошира оламани, йўқини, шу ҳақида хулоса чиқариб олишим лозим эди. АҚШда ўтган бир неча ойлик умрим давомида Сан-Антониодаги ҳарбий ҳаво кучлари базасида таэквон-до мактабига охишга муваффақ бўлдим. Бу ерда шарқона яккакурашлар ҳақида деярли маълумотга эга эмасликлари, мураббийлар умуман йўқлигини кўриб Кореяга қайтдим-да лаш-лушларимни йиғиштириб яна АҚШга, энди бутунлай, маҳаллий башмурлар ҳеч қандай эътироз билдирилмаслиги учун муҳандислар коллежи талабаси сифатида кўчиб ўтдим. 1988 йили коллежда, сўнгра Техас университети қошида ўз мактабларимни очдим.

— Наҳотки, ҳаммаси хамирдан қил суғургандай осон содир бўлган бўлса?

— Албатта, қийинчиликлар ҳам бўлди. Лекин ўша пайтларда АҚШда бир неча дэзо-до, жу-жиссу мактаблари ишлаб турар, қаратэ, таэквон-до эса маҳаллий аҳолига бутунлай бегона эди. Ўзининг биринчи кўргазмаларини чинқилди қилин ёвочни сакраб аялганеҳларим билан синдиришга эришганимдан сўнг ҳаммаси жой-жойига тушди, мен америкаликлар учун яқин кураш турини нафш этдим. Шотирларим сони кескин кўпайди.

— Коллеждаги ўқинишга нима бўлди? — Мактабларим сони шунчалар кўпайиб кетдики, ўқиниш давом эттиришга имкон ҳам, иштиёқ ҳам қолмади. Мен ўзимни бутунлай шотирларимга бахшида эт-

дим. Айтишларича, сиз Брюс Ли, Мухаммад Алидек яхсонларга сабоқ берган экансиз?

— Боксинг Мухаммад Алига қўл зарбаларини ўргатган бўлсам, машҳур Брюс Лининг у-шу билангина шуғуллангани учун унинг жанг олиб бориш услубига таэквон-до услубларидан ҳам қўшишга ёрдам берганим.

— Вапикитондаги кун тартибининг қандай таъкил этасиз?

— Ўртаб соат 6 да турман. Бир ярим соат жисмоний тарбия билан шуғулланаман. Шунинг ора-сида она юртим Кореяни ёлда олиш учун икки мартаб унинг давлат маҳжасини ижро этаман. Икки марта мени дунёга таинган АҚШда бир неча дэзо-до, жу-Кейн тунги соат 12 га қадар китоблар ёзаман, йиғинлар ўтказаман, маърузалар ўқийман ва мана шу тартибни неча ўн йил-дирки байрамда ҳам, дам олиш кунлари ҳам бузмай келатирман.


— Бошқа яккакураш турлари, масалан, каратэ, айдики, у-шуга муносабатингиз қандай?

— Ҳаёт шуниси билан гўзалда. Турли жанговар мактаблар, фалсафий йўналишлар, турли миллат элатга тегишли кураш турларининг бўлгани яқини. Деводаги ана бу суратга қараган. Агар расом ягона бўёқ билан ишлаганда унинг ҳеч кимга қизиги бўлмасди. Бўёқлар ранг-баранглиги ҳаётимизни гўзал этади.

— Сўнгги савол. Сиздек таэквон-до устаси учун яккакурашнинг қай бир жиҳати муҳимроқ— жисмоний камолотини ёки руҳий, маънавийсини?

— Руҳий, маънавий камолот— бу асосий пойдевор, устас одам боласининг маҳлуддан фарқи қолмасди. Баркамол инсон учун узи жаҳат муҳимдир — бақувват та-на, тоза қалб ва юксак салохат. Айнан шундай инсонга белги-лаган барча орзу-ниятлари, мақсадлари эришмак. Моддий ва маънавий, жисмоний камолотга эришмоқнинг бошқа йўли йўқ.

Шухрат АРМОН суҳбатлашди.



Суратдаги йиғиларга бир қаранг. Уларнинг ҳар бири са-роҳида шайнинг турган қоп-сонга ўқшади. Табиат уга эт-ган бор куч-қувват оёқларга жамланган, ниҳодлар ўтир-лашган, қўллар рақибга ҳал қилувчи зарбани бермоқ учун шайланган. Мана улар — ор-тимиз шарафини, лозим бўл-са сарҳадларини, демокни, ота-ю онасини, оиласининг ти-нини кўришга қодир ларлар, мана улар — танасини пўлатдек зарбани қамоққа си-фат этиб сайқаллаётган ўл-лонлар. Ўзининг нимага қодирли-гини исботлаш учун минглаб одамлар қошига чиқишга журмат эта олишининг ўзи бир жасоратдир. Уларга ҳавас қил-санг, улардан ўрнани олсанг э-ри-яси.

* Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

турдаги сабзавот-медаларни то-пиш мумкин. Уларнинг сифати бозориникидан қолшимгани ҳо-лда нархи ҳам арзон. Ҳам-шаҳарларимиз бундай қўлайлик-дан мамун бўлиб, рўзгор учун зарур бўлган маҳсулотларни мам-нуният билан харид қилишмоқда. Шу кунга уларнинг бир нечаси билан суҳбатлашдик.

— Ўзимиз шу яқин орада бўл-гани учун ўзимиздан бир неча километр узоқликда бўлган Фар-ҳод бозорига бориб маҳсулотлар

лотларимизнинг турли қилиги, си-фати яқинлиги учун харидорлари-миз сони ортиб бормоқда. — Энди юринлар, мен сиз-ларни яна бир ярмарка билан таништирай, — дея бизни бозор томон бошлади қорхона дирек-тори.

Бу қанақа ярмарка экан, деган ҳаёл билан бироз юрганимдан сўнг машиналар қаровига қўзи-миз тушди. Уларни бирма-бир са-найимиз. 30 та машина кузови маҳсулотлар билан лиммо-лим ту-ла. Сотувчилар шу ернинг ўзига савдо қилишяпти. Харидорларга ҳавола этилаётган маҳсулотларни кўздан кемирамиз. Бир-бириндан қолшимайди, ҳаммаси сара.

— Туманимиз меҳнатқашларига қўлайлик яратиш ҳамда улар-нинг байрам дастурхонини тўқин қилиш ниятида Жиззах вилояти раҳбарлари билан келишиб, шу ярмаркани таъкил этдик, — дей-ди тушунтириш бериб Аббос Ка-биров.

Бизни Жиззах вилояти шир-қал савдоси идорасининг вакили Абдунаби Назаров кутиб олди. Унинг айтишига қараганда бу ер-да бир кунда ўртача 20 тонна картошка, 30 тонна пиза, 60—70 тонна помидор маҳсулотлари, 12 тонна узум, 52 тонна сабзавот маҳсулотлари ва 14 тонна мева сотилаётган экан.

Шу кунги биз Чилонзорнинг марказий дўкон олдига очилган сабзавот ярмаркасида ҳам бўл-дик. Пойтахт вилоятининг Заг-нога тумани меҳнатқашлари томо-нидан таъкил этилган бу ярмар-када ҳар кун 10—12 машина маҳсулот савдога чиқарилаётган. Бундан ташқари яна байрам кунлари туманимиз маҳаллалари-да, транспортларнинг энг гавжум бекатларида, марказий кўчалари-да очинг савдо таъкил этилган. Хуллас, ҳамшаҳарларимиз байрам дастурхонини янада тўқин бўли-шида ўзимизнинг улуғлигини қў-шамиз. Бунинг учун барча имко-ниятлар олдидан яратиб қўйил-ган, — дейди сўзининг охирида Аббос Кабиров.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

● Пойтахтимизнинг барча туманларида ўқитувчилар-нинг август кенгаши бўлиб ўтди. Бундай анжуманлар бу йил ўзига хос тарзда таъкил этилаётгани билан аҳ-мийатли моҳидир.

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги Садулла Исмаилов номида 141-мактабда бош-ланғич синф ўқитувчилари-нинг август кенгаши ўтказил-ди. Анжуман иш режа-сида кўра тумандаги илғор ўқитувчилар бошланғич таъ-лимдаги муаммолар юзаси-дан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Ил-ғилишни туман халқ таъли-ми бўлими бошланғич таъ-лим методисти Нафиса Ак-ромова очиб, барчани яқин-лашиб келатган Мустақил-лик байрами билан қизгин куттлади.

Шундан сўнг 84-мактаб-нинг олий тоқтали бошлан-ғич синф ўқитувчиси Меҳ-риниса Мовилова маҳсу-с

МИРЗО Улугбек тумани халқ таълими бўлимидаги умумтаълим мактаблари-нинг педагогик жамоаси, мактабга ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ходимлари «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг бажа-рилиши борасида ибратли ишларни амалга ошириш-пти. Туманда ўзбек болалар гуруҳларини кўпайтириш, улар учун амалий дастурлар ишлаб чиқиш, фан хоналари таъкил этиш, лингафон ёр-дамида дарсларни ўқишга алоҳида эътибор берилаяп-ти.

Айни пайтда туманда 37

* Ҳукуматчиларнинг август кенгаши

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШДИ

синфларга ўқувчиларни қа-бул қилиш ва улар билан ишлаш мавзусида маъруза қилди. Унда туманда илғор-чи бўлиб таъкил этилган илғорчи болалар синфи ҳақида сўз борди. Илғор ўқитувчи Саодат Яхшибоева соғлом авлодини камол то-пиришда болаларга Батан туйғусини синдириш мав-зусида ўз мулоҳазаларини баён қилди. У айтдики бу борада бошланғич синф ўқи-тувчиларининг роли тўғри-сида алоҳида тўхталди. «Экологик таълим ва тар-бия — замон талаби» ма-взусида маърузани эса 141-мактаб ўқитувчиси Дания Зокирова қилди. Уни кел-ганда шунга ҳам айтиш ке-ракки, бу илғор ўқитувчи ўтган йили бошланғич синф-ларда таълим-тарбия олиб боришда экологикнинг аҳа-мийати бўйича республика голиб бўлган эди.

Кенгаш иштирокчилари маърузалар бўйича уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Илғор ўқи-тувчиларнинг иш тажриба-ларини туман мактабларида оммалаштиришга қарор қи-линди. Шу кунги шаҳар мак-таблари олимпиадасида ма-тематика бўйича голибниқни қўлга киритган 141-мактаб-нинг 4-синф ўқувчиси Уми-да Каримованинг устаси На-сиба Азизжоновна пул му-кофоти берилди. Олимпиа-дада фаолият кўрсатган бир гуруҳ ўқитувчиларга эса туман халқ бўлимининг Фахрий ёрлиқлари топи-рилди.

Зарифа МУҲАМЕДОВА.

Қидирбой ТўЛАОБОВ.

ТИЖОРАТ ҲАБОРАТНИ БИ ЭЪЛОМАЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июндаги 289 сонли «Йўловчилар таъкил-дан транспортдан фойдаланиш самарасини ошириш тў-рисида»ги қарорига мувофиқ транспортда бепул юриш ҳуқуқи хизмат гувоҳномасига асосан Ўзбекистон Респу-бликасининг ҳамма даражадаги халқ ноиблари, Улуғ Ва-тан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, ҳамда муқаддас ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва прокурорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга бе-рилта.

Шу қарорнинг 5 бандига мувофиқ Мудоффа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий таъ-минот вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат Бош Солиқ божқармаси ўзининг кўма ҳаракатда меҳ-нат қиладиган ходимларига марказлаштирилган тартиб-да сотиб олинган имтиёзли ойлик йўл қарточкаларини берадилар. Шунинг учун улар йўл қарточкаларини харид қилишни сарф-ҳаражатлар ҳисобига нобаратта олиб мас-лаҳ ағратишлари шарт. Жамоат транспортдан фойда-ланадиган ходимлар учун ойлик йўл қарточкаларини олиб бериш тавсия этилган.

Ушбу қарорда вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар, қорхоналар ва таъкилотлар, мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, йўловчи таъкилданган транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини берадиган гувоҳномалар тайёрлаш ва уларни ўз ҳокимиятга тарқатиш таъкил қилинган. Бундай гувоҳномаларни тайёрлаш ва тарқатиш ҳуқуқи Тошкент шаҳрида «Тошшаҳарйўловчигитранс» давлат уюш-масига берилган.

«Тошшаҳарйўловчигитранс» давлат уюшмасининг Давлат ягона ҳужалик ҳисобидида «Йўловчигитранс-сер-вис» маркази Тошкент шаҳридаги жамоат транспортда (автобус, трамвай, троллейбус ва метро) бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳнома ишлаб чиқарилган ва таъкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қар-орига биноан транспортда бепул юриш ҳуқуқи берилган барча шахслар 1993 йил 1 ОКТЯБРЬГАДА Давлат ягона ҳужалик ҳисобидида «ЙЎЛОВЧИТРАНССЕРВИС» мар-казига — Тошкент шаҳри, Темирлик кўчаси, 3-уйга («Красновосточное» депосининг маъмурий биноси, 3-қа-ват) ЯНГИ НАМУНАДАГИ ЯГОНА ГУВОҲНОМАНИ ОЛИШ УЧУН ЎРАШСИНЛАР.

Ўзиниқ билан шахсининг тасдиқловчи ҳужжат, им-тиёзли ойлик ҳуқуқини берадиган ҳужжат ва иккита 3х4 см. катталиқдаги фотосурат олиб келишни унутманг.

ДАВЛАТ ЯГОНА ҲУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ЙЎЛОВЧИТРАНССЕРВИС» МАРКАЗИ ДИРЕК-ЦИЯСИ.

«АЛПОМИШ» СПОРТ САРОЙИ

ҲАҚИҚИЙ ШАРҚ КЎРАШИ

ИШКИБОЗЛАРИНИ

ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ

МАМЛАКАТЛАРИНИНГ

БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Турнир 3—5 сентябр кунлари ўтказилади. Соат 9.00 дан бошланади.

Чинталарни спорт саройи кассаларидан сотиб оли-шингиз мумкин.

ТУРНИРДА ЖАҲОН ВА МИНТАҚА БИРИНЧИЛИК-ЛАРИНИНГ ЧЕМПИОНЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ, ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧИ ТАЭКВОНДОЧИЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

ИНСТИТУТИ

«ИШБИЛАРМОНЛИК ВА БИЗНЕС»

КУРСИГА

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ

(Қундузги ва кечки бўлимлар учун ўқиниш муддати — 5 ҳафта. Машғулотлар рус тилида олиб борилади). Ўқиниш давомидида фаол иштирок этган ўқувчилар ишга алоқадор ўйилар, тренинг, тест ва ишлаб чиқариш ҳо-лати таҳлилини ўрганиб олади.

Курсни тамомлаган тингловчилар маҳсус билимга эга бўлиш билан бирга, менежмент, маркетингнинг амалий малакалари, таъкил қилишнинг алоқадор, қорхона эгаси фаолияти ва бизнесменларнинг характериини ўрганади.

Синов йиғилиши: 6 СЕНТЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА. Маъмурий тоқтали: Ново-Московская кўчаси, 2-уй. Мала-ка ошириш нуқлиёти, 210-хона.

Маълумот учун телефон: 68-08-29.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қаҳрамон ИСМОИЛОВНИ тугилган кун билан таб-риклаймиз! Вахт, соғинг ва узоқ умр тилаймиз.

Эркин Ҳужаев, дўстлари.

И. П. Павлов номидаги Ўзқанд тиббиёт билим юрти то-монидан Шарипова Обидона Раҳмонбердиевна номига бе-рилган ПТ—1 сериядаги 254773 сонли йўқолган диплом БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусов (Киров) туманидаги 247-ўрта мактаб томони-дан Тўйчиев Маҳкам Мухиддиновни номига берилган 297175 сонли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттес-тат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур тумани озиқ-овқат савдо таъкилотли маъмурияти 11-дўкон мудири Салоҳиддин Нажмиди-новга буювчи

Асқабжамол МИРКАРИМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат матбуот ко-митетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Тошкент оқшоми

Шанба ва яқинбадан таъқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни бериш таъкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма табақ. Обфет. Қоғоз бичими А — 2. Напр кўрсаткичи 64690.